



Уни олдига бор ва: «Сен дўзах аҳлидан эмас, жаннат аҳлидансан»

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Собит ибн Қайсни изладилар. Бир киши: «Буни мен қиламан, ё Аллоҳнинг элчиси», – деди: Собитнинг олдига бориб, (уни ниҳоятда ғамга ботган) бошини эгиб олган қайғули бир ҳолатда кўрди. «Сенга нима бўлди», – деб сўради. У ҳаммаси тамом, у овозини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг овозларидан баланд кўтарар эди (овози баланд киши эди), амалим ҳабата бўлиб дўзахга кираман (деб ўйлаб қолибди)». Бояги киши (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга) келиб: «У шундай-шундай деб айтди», деди. Сўнгра катта башорат билан қайтди. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Уни олдига бор ва: «Сен дўзах аҳлидан эмас, жаннат аҳлидансан», деб айт», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Собит ибн Қайсни излаб, у киши ҳақида сўрадилар. Шунда бир киши: «унинг нима учун йўқлигининг хабарини мен сизга олиб келаман», деди. Унинг олдига борди ва уни ғамгин ва бошини эгиб ўтирган ҳолда топди. Шунда: «Сенга нима бўлди», деб сўради. Қанчалик ёмон ҳолда эканини хабар берди. Чунки у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам овозларидан овозларини баланд қилишларини ва Аллоҳ таоло ким шундай қилса, дўзахга ташлашини ҳамда у киши энди дўзах аҳлидан бўлганларини хабар бердилар. Бояги киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қайтиб бўлган воқеани айтиб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини Собит разияллоҳу анҳунинг олдиларига бориб у киши дўзах эмас, балки жаннат аҳлидан эканларини хабар беришга буюрдилар. Чунки у киши овозларининг баландлиги хилқаттан шунақа эди ҳамда у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ансорларнинг хатиби эдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65073>

